

МУСТАҚИЛЛИК: ЕТТИ ЙИЛ МЎЪЖИЗАЛАРИ



# НИЁЗ ОТАҚУЛОВНИНГ ТОМОРҚАСИ



(Давоми. Боши 1-бетда)

## ИККИНЧИ ТААССУРОТ

Дастлаб у 15 сотих ерда токзор барпо этди. Шу майдондан 13 тоннагача «Тоифи» олди.

— Энди нима учун «Тоифи»га ишқибоз бўлганимни мендан сўранг, — деди у сўзида давом этиб. — Халқ афсонасида нақл қилинишича, араб истилочилари гуллаб-яшнаган Сўғдиёна заминига бостириб келибдилар. Улар йўлда учраган жамики қишлоқларни, боғу роғларни кунпаякун қилиб, ниҳоят, қадимги Шарқнинг гўзал шаҳарларидан бири — Мароқанд деворларини қуршаб олибдилар. Самарқанд ўша даврда шундай деб аталаркан-да.

Шаҳар аҳолиси босқинчиларга қаттиқ қаршилик кўрсатибди. Лекин кучлар тенг бўлмагани боис, душманлар тинч аҳолини қириб ташлаб, уйларга ўт қўйиб, боғу далаларни пайҳон этибдилар.

Кўп вақт ўтмай, чинакам мўъжиза рўй берибди: вайрон қилинган Самарқанд тупроғидан ғаройиб узум — токнинг сеҳрли новдаси униб чиқибди. Уни «Тоифи» деб аташибди. Ўшандан бери Самарқанднинг гўзал қизил яноғидек оч қизил узуми одамларга узоқ умр, куч ва бардамлик бахш этиб келармиш...

Эндиликда «Тоифи» нафақат кўҳна ва ҳамиша навқирон бу шаҳарда, балки Ўзбекистоннинг бошқа жойларида ҳам машҳур. Умуман, узум — ер юзидаги энг ноёб ва шифобахш мевалардан бири. Унинг таркиби қандга ниҳоятда бой, ширинлиги ҳамда хушбўйлиги билан ажралиб туради. Қолаверса, уни ҳўл ҳолида, куритиб истеъмол қиладилар, консерва, шарбат ва қиём тайёрлайдилар. Ток баргларига қийма гўшт солиб, паловга босадилар. Қолдиқларидан эса хамиртуруш, сирка ва спирт ишлаб чиқарилади.

Ниёз ака бошқа мевалар — ўрик, гилос, анор, шафтолининг шифобахш хусусиятлари ҳақида ҳам мароқ билан гапириб берди.

— Ўрик ва шафтолининг таркибида 15-20 фоиз қанд, 0,5-1 фоиз кислота бор. Ўрик мағзида эса 50-60 фоиз мой, 25 фоиз оқсил учрайди. Бундан ташқари, данакли мевалар консерва саноати учун ҳам муҳим хомашё ҳисобланади. Афсуски, кейинги йилларда республикамизда данак мевали боғларни кўпайтиришга эътибор сусайди. Уларнинг ўрнини асосан олмазорлар эгаллади, — деди у куйиниб.

Энди ўзингиз холисона баҳо беринг: бу унинг чуқур билим эгаси, куюнчак ва жонкуяр одамлигини кўрсатмайдими? Менга шундай туюлди.

## УЧИНЧИ ТААССУРОТ

Бугунги кунда Ниёз Отақуловнинг томорқасида токзордан ташқари 70 туп ўрик, 150 туп жайдари анор, 600 туп гилос дарахти ўсмоқда. Шу билан бирга, 10 сотих ерда «Верба» деган гул ҳам парваришланаётир. Унинг кўчатини Ниёз ака Россиянинг гул бозоридан сотиб олган эди. Кўпайиб кетди. Ҳар йили 8 март — Хотин-қизлар байрами кунигача бозорга олиб чиқади.

Ўтган йили «Абрикос» навли ўрикдан 100 минг сўм, анордан 270 минг сўм, гилосдан 600 минг сўм, «Верба»дан эса 5 минг сўм, жами 975 минг сўм даромад қўлга киритилган эди. Бу йил эса ана шу кўрсаткич нақд бир миллион сўмга етди.

Албатта, кўчат экиб, боғ яратиш билангина муддаога эришиш қийин. Ниёз аканинг айтишича, қишда мевали дарахтлар уйқуда бўлади, печканинг ёнида оёқни узатиб, бемалол дам олишим мумкин, деб ўйлаган боғбон катта хато қилади. Одатда айни шу паллада унинг юмушлари кўпаяди. Негаки, данакли меванинг катталиги, сифати, муҳими, серҳосиллиги шу даврда боғларда бир қатор агротехник тадбирларнинг ўтказилишига, кўчатларнинг бут бўлишига боғлиқ. Хусусан, данак мевали боғларни нам тўплаш учун қондириб суғориш керак. Бу февраль ойида тугалланиши лозим. Қишда суғориш тупроқда қишлайдиган заракунандаларни йўқотади, шўрни ювади. Устига устак, тупроқ совиши туфайли дарахт кеч уйғонади, куртаклар эрта кўкламги совуқларга учрамайди. Дарахтларнинг ортиқча шох ва новдаларини эса, имкони бўлиши биланоқ, кесиш, буташ зарур. Ўрик, гилос дарахтларида шохлар сийракроқ бўлиши, устма-уст жойлашмаслиги, тўрт томонга қараб ўсиши лозим. Шафтолида 3-5 та шох қолдирилиб, сада шаклида қирқилади. Бу иш новдалар куртак чиқаргунга қадар ўтказилади.

Кўпинча данак мевали боғлар клястероспориоз ва медяница билан зарарланади. Ана шу заракунанда ва касалликни бутунлай йўқотиш учун ҳаво ҳарорати 5-6 даражага кўтарилиши билан ишлов беришни бошлаш керак. Бунда ДНОК ва нитрофен препарати пуркалса, яхши натижа беради.

Агар кузда дарахт қатор оралари ҳайдалмаган, ўғитланмаган бўлса, қишда бу юмушлар амалга оширилиши зарур. Тупроқ чуқур юмшатилса ва тегишли миқдорда озиқлантирилса, нам кўп сақланади.

Бу тадбирлар рисоладагидек ўтказилса, қандай самара беришини Ниёз Отақулов тажрибаси мисолида кўрдингиз. У ўрнак олса арзийдиган ҳақиқий боғбондир.

* * *

Шундай таассуротлар силсиласида ҳайратга тушиб Бухородан қайтарканман, собиқ шўролар даврида «Қишлоқ ҳақиқати» газетасида чиққан «Томорқа» сарлавҳали муаммоли-таҳлилий мақоламни эсладим. Унда томорқа деб, бир сотих ер деб ака-укалар, қариндош-уруғлар бир-бирларидан бегона бўлиб кетганлари, ҳатто сурхондарёлик отахон арз қилиб республика ташкилотига келгани хусусида ҳикоя қилинган эди.

Шукурки, бугун бундай можаролар йўқ: мамлакатимизда томорқа масаласи батамом ҳал этилган. Мустақиллик шарофати туфайли ўтган етти йил мобайнида республикамизда жами 4 млн. 300 минг гектар суғориладиган ер майдони бўлса, унинг тахминан 600 минг гектари аҳолига хусусий томорқа сифатида берилган. Агар фермер ва деҳқон хўжаликларига ажратилган ерлар ҳам ҳисобга олинса, бу рақам бир млн. гектардан ошади.

Бунинг маъноси шуки, томорқадан даромад олиш ниятида бўлган ҳақиқий кишилар учун бизда, таъбир жоиз бўлса, яшил пойандоз тўшалган. Бу пойандоздан қандай қилиб юриш, мўл-кўл ҳосил етиштириб, ўзига, оиласига, давлатга фойда келтириш энди томорқачининг меҳнатига, салоҳият ва ташаббускорлигига боғлиқ.

**Икром ЎТБОСАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ШОҲИМАРДОНГА ЁРДАМ

Шоҳимардонда юз берган табиий офат нафақат юртимиз фуқароларини, балки хорижликларни ҳам бефарқ қолдирмади. Шу кунгача ўнлаб мамлакатларнинг раҳбарларидан ҳамдардлик мактублари ҳамда халқаро ташкилотлардан инсонпарварлик ёрдами олинди.

Ўзбекистоннинг ишончли ҳамкорларидан бири — Жанубий Кореянинг "ДЭУ групп" компанияси ҳам бундай савобли ишдан четда қолмади. Ушбу компания томонидан, шахсан унинг раиси Ким У Жунг таклифи билан халқ банкининг Фарғона вилояти бўлимига қарийб 10 миллион сўм ўтказилди. Бу маблағ табиий офат оқибатларини тугатиш ишларига сарфланади.

(ЎзА)

# ҲОВЛИДАГИ ФАБРИКА

**Андижон туманидаги Оқёр қишлоғида яшовчи тадбиркор Асилбек Маҳаммадхўжаев ўзининг икки қаватли, шинам уйини тикувчилик фабрикасига айлантирди. Ҳозир бу ерда 80 дан ортиқ чевар бежирим кийимлар тикмоқда.**

**Асилбек бошқаларга ўхшаб ер сўраб, тайёр бино талаб қилиб ташкилотма-ташкилот югурмади. Аксинча, ўзининг тайёр биносига бичув-тикув дастгоҳларини ўрнатиб, «Андижон» фирмасини ташкил этди. Дастлаб чеварлар 5-6 тикув машинасида фаолият кўрсатган бўлишса, энди кенг ва ёруғ хоналарда 20 та замонавий дастгоҳлар гуриллаб ишламоқда.**

**О. ШОДМОНАЛИЕВ.**

# САХОВАТПЕШАЛАРГА ХОС ИШ

**Дўстлик тумани ҳокимининг қарори билан 24 нафар ота-онасиз қолган болалар тумандаги 24 та нуфузли корхона ва ташкилотлар раҳбарларига бириктиб қўйилди. Саховатпешалар ҳар ойда бир марта ва байрам кунлари оталиқларидаги болалар ҳолидан хабардор бўлиб, имкон даражасида моддий ва маънавий ёрдам берадиган бўлишди.**

**И. ЖОНУЗОҚОВ.**

# ЯРМИ — ЭКСПОРТГА

**«Ўзбеккабель» давлат ҳиссадорлик жамияти ишчилари 1 миллиард 238 миллион сўмлик саноат ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариб, бу борадаги ярим йиллик режани бажаришди. Тайёрланган маҳсулотларнинг ярми Германия, Туркия давлатларига экспорт қилинди. Ҳозир корхона ишчилари исроилликларнинг кабель буюртмасини бажаришаяпти. Айни пайтда хорижий давлатлардаги турдош корхоналардан келган мутахассислар «Ўзбеккабель»да малакаларини оширишаяпти.**

**(Ўз мухбиримиз)**





**Беруний тумани ҳокимлиги туманни газлаштириш ишларига алоҳида эътибор бермоқда. Бу ерда, яқин кунларда 15,5 километрлик масофага юқори ва ўрта босимли газ қувурлари тортилиши кўзда тутилган. Монтаж ишларини «Ўзбексувгаз» қурилиш трестига қарашли «Беруний» қурилиш-монтаж бошқармаси ўз зиммасига олган.**

**Бу хайрли ишда тракторчи Маҳмуд Ҳайтанов, ишчилардан Ойбек Олломов, Рустам Шониёзов, Аммат Эшмуродовлар жамоадошларига ўрнак бўлишмоқда.**

**Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

МАЪНАВИЯТ

# НАЖОТ ФАҚАТ ЎЗИМИЗДАДИР

***Бугун ҳаётнинг ўзи турли-туман муаммо ва вазифаларни олдимизга кўндаланг қўяётган экан, уларнинг ечими ҳам юксак ақл ва тафаккур кучи билан топилмоқдаки, бу, албатта, юрагида Ватан туйғуси бўлган ҳар бир фуқарони бефарқ қолдирмайди. Жумладан, Президентимизнинг «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига жавоблари ҳамда тарихчи олимлар, адиблар билан бўлган учрашувда илгари сурган тарихга янгича муносабатни шакллантириш, келажак насл тарбияси билан бевосита боғлиқ халқчил фикрлар, тамойиллар жамоатчилик ўртасида катта қизиқиш уйғотди, шунинг учун ҳам қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда.***

***Адабиётимизнинг кенжа авлоди бу масалаларга қандай қарайди? Биз бугун баён этаётган фикрлар шу хусусда.***

**Назар ЭШОНҚУЛ, Ўзбекистон телевидениеси «Маънавият» муҳарририяти Бош муҳаррири ўринбосари, ёзувчи:**

— Мен Президентимизнинг «Тафаккур» журналида чоп этилган суҳбатларини ўқигач, ўз-ўзимга шундай савол бердим: — Хўш, мен мафкурани қандай тушунаман? Миллий мафкура халқимиз ҳаётида қандай ўрин тутиши керак?

Албатта, мафкура миллатга қиёфа бағишлайдиган чиройли сўз эмас, балки унинг яшаш услубидир. Дунёда минглаб турли тоифадаги жониворлар яшайди. Шулардан фақат инсонгина ҳаётини онгли асосда қуради, қандай яшаш зарурлигини ўзи белгилайди. Ана шу онгли «белгилаш», менингча, мафкурадир. Бироқ бу «белгилаш» ўз-ўзидан бўладиган нарса эмас. Унинг тарихий, маданий, ижтимоий таянчлари бор, асослари, миллий уйғунлигини акс эттириш, шакллантириш лозим. Миллий мафкура миллатнинг моддий-маънавий манфаатларини ўзида мужассам этадиган яхлит тушунча. Миллий мафкура «Мен ўзбекман», деб айтишга ҳар томонлама асос берадиган таянчдир.

Биз дунё тараққиёти ва маданиятига тамал тошини қўйган, дунёда илк тафаккур чироқларини ёққан, ботирлиги, шижоати, қудрати бутун бошли даврларни, асрларни лол қилган буюк халққа мансубмиз. Дунё бизнинг боболаримиз шиддати, ақли ва тафаккури билан уйғонди, маданият пойдеворларини биз яратдик, биз шундай қудратли халққа мансубмиз, деган музаффар ғурур ҳар бир ўзбекнинг кўнглини фахрларга тўлдириши керак.

Қисқаси, миллий мафкурани шакллантиришда, ҳатто киши тасаввурига сиғдиролмайдиган бой тарихимиз бор. Фақат мана шу туйғуни ҳар бир кишига англатиш, миллатни ўзлигини танитиш энг асосий вазифамиздир.

**Аббос САИД, ёзувчи:**

— Президентимизнинг «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига жавобларини ўқигач, кўнглимда некбинлик ҳисси пайдо бўлди. Жамиятимизга юксак бир ғоя керак эди, уни юртбошимиз оддий қилиб, оддий одамларга тушунарли қилиб айтибдилар: **«Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин!..»**

Агар бугун юртимизда кечаётганислоҳотлар жараёнини кузатган киши, Президентимиз унинг марказига, энг аввало, таълим-тарбия масаласини қўйганлигини англамай қолмайди. Бу, бежизга эмас, албатта. Суҳбатда юртбошимиз бу ҳақда шундай дейди: **«Таълимнинг янги модели ишга тушгач, инсоннинг ҳаётдан ўз ўрнини топиш жараёни тезлашади. Ҳар қандай одам ҳам ўсмирлик чоғида, эндигина вояга етиб келаётган даврда жамиятдан муносиб ўрин топиши керак. Акс ҳолда бу нарса нохуш оқибатларга, баъзан эса оғир фожиаларга, ҳатто ижтимоий ларзаларга ҳам сабаб бўлади...»**

Ниҳоятда асосли, ҳаётий фикр. Бунга мисол излаб узоққа бориш шарт эмас, куни кеча ваҳҳобийлик оқими таъсирига тушган ва шунинг оқибатида жиноят йўлига кирган бир гуруҳ ёшларни эслашнинг ўзи кифоя. Ваҳҳобийлик таъсирига тушган ёшлар бизга «экспорт» қилинмоқчи бўлган ақидапарастликнинг биринчи қурбонлари бўлди, деб ўйлайман. Улар бошқалар ёвузлиги, жаҳолатпарастлиги, айни чоғда, ўз илмсизлиги, худкомлигининг, уқувсизлигининг қурбони бўлишди. Судда шундай нопок йўлга кирган ёшлардан бирининг онасига сўз берилди. Кекса онанинг наломатини кўпчилик телевидение орқали эшитган бўлса керак. У фарзандининг мудҳиш кирдикорларига чидай олмай, воз кечди, дуойибад қилди. Она қарғишидан, Ватан қарғишидан ёмон нарса йўқ дунёда! Мана шу дуойибадга учраган жиноятчининг тўтиқушдай «Қуръон»да бундай дейилган», деб туришини кўрдим-у, даҳшатга тушиб кетдим. Шўро тузуми бизларни ота-боболаримиз қолдирган бой маънавий меросдан узиб ташлаганлигининг аянчли оқибати эмасми бу — нодонлик?! Ахир, Имом ал-Бухорийлар, Термизийлар, Нақшбанд, Кубролар, неча-неча азиз-авлиё ва анбиёлар суянган, маънавий баҳра олган исломий ва дунёвий тарбияда пул ёки сароб ваъдалар эвазига Ватанингга қўл кўтар, ҳамшаҳринг, ҳаммиллатингни ўлдир, — дейилмаган-ку!

Шўро тузуми, Шарқ нозик масала («Восток дело тонькое») деб, бу халқнинг андишалигидан (авлоддан авлодга ўтадиган қондаги маърифатлилигидан) фойдаланиб, ўзига хос колониал зулмини ўтказиб келди. Пахта баҳонасида еримизга, демак, ошимизга, тузимизга гербицид сепгани каби мутелик, қуллик психологиясини руҳимизга, жонимизга сингдиришгача бориб етди. Охир-оқибат, халқнинг генетикаси ўзгарди, қонлар бузилди, генофонлар, миллий менталитет ўзгарди. Менимча, миллат Виждони — Президентимизни мана шулар ташвишга солади, ўйлантиради, деб ўйлайман. У киши назарда тутган ижтимоий ларза айни шулар эмасми?!

**Азиз САИД, «Ёш куч» журнали бош муҳаррири ўринбосари, шоир:**

— Президентимизнинг суҳбатида: **«Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин»,** деган фикрлари биз қураётган демократик жамиятнинг том маънодаги мазмун-моҳиятини англатади. Бугун биз огоҳ бўлмасак, ўз миллий ғоямизни қалқон қилмасак, фарзандларимиз онгшуурига бизнинг табиатимизга ёт ғоя ва таълимотлар ўз таъсирини ўтказиши ҳеч гап эмас.

Бундай ёт ғояларнинг хавфли томони шундаки, у шўро ғоясидай очиқ майдонда курашмайди, зиёлиларни қатағон қилиш ёки китобларни тақиқлаб қўйиш усули унга бегона. У инсон миясининг мунтасил информация қабул қилиши, табиатдаги ожиз нуқталар, моддий эҳтиёжлар, маънавият дунёсидаги бўшлиқлардан шундай фойдаланадики, киши унга қандай муте бўлиб қолганини, ҳатто ўзи сезмаслиги мумкин. Унинг услуби — ғояни фикр ва тушунчалар сифатида майда-майдалаб, аммо муттасил сингдириб боришдан иборат. Оладиган «ҳосили» шўро мафкурасиникидан кам эмас — миллат ўзлигини унутади, ахлоқи бузилади, тафаккур тараққиёти тўхтайди, моддий бойликлар турли найранглар билан сўриб олинаверади. Бу ғоя моҳиятан «биз сизлардан зўрмиз», дейишга асосланган. Унинг воситаларига фикрни узатиш мумкин бўлган ҳамма нарса киради, айтайлик, видеофильмлар, компьютер программалари, рекламалар, қўрқув ва шафқатсизликни тарғиб этадиган мультфильмлар...

Сиз энди бир тасаввур қилинг, биз фарзандларимизга мустақиллигимиз, маънавий бойлигимиз ҳақида гапирамиз, юрагида фахр, ғурур туйғуларини шакллантирадиган қандай фазилатлар бўлса, шуларнинг барини сингдиришга ҳаракат қиламиз. Аммо у кўпгина шаҳарларимизда катталиги супрадай келадиган сигарет, кофе ва турли ичимликлар рекламаси остида катта бўлади, шу рекламалар осилган йўлдан боғчага, мактабга, институтга қатнайди. Ўз маҳобати билан бу рекламалар боланинг дунёқарашига таъсир қилмайдими?! Мен рекламаларга қарши эмасман, бозор иқтисодиётининг талаби шундай, аммо рекламалар миллий ўзлигимиздан келиб чиқиб ташкил этилса, яхши бўлар эди.

Яна бир мисол. Ҳозир аксарият мактаб ўқувчилари кўтариб юрган папкаларга сира эътибор бергансизми? Барчасининг сиртида Хитой, АҚШ, Корея, Малайзия деган ёзув ва шунга монанд суратлар бор. Бу ўқувчиларнинг ўз юртининг куч-қудрати ҳақидаги тасаввурларига таъсир қилмайдими? Шунинг ўрнига Ўзбекистоннинг Герб, Байроғи ёки шаҳарларимизнинг тасвири туширилган папкаларни чиқариш мумкин эмасми? Агар бунинг ҳеч иложи бўлмаса, чидаш мумкин, аммо бизда ҳозир шунга имконият етарли-ку!

Товар ҳам истасак-истамасак, мафкура воситаси, фикр уқтириш қуроли бўла олади. Руҳимизни кўтариши ҳам, тафаккуримизни тобе қилиб олиши ҳам мумкин. Буни таъкидлашдан асосий мақсадим — миллий мафкурани яратиш фақат юртбоши ёки зиёлиларнинг иши эмас, балки ҳамманинг: қўшиқчи, режиссёр, тадбиркор, тикувчи, милиция, божхона хизматчиси, деҳқон, ишчи, раҳбару раҳнамоларнинг бирламчи ишига айланиши лозим. Ҳар биримизнинг фаолиятимиз авваламбор ана шу ғояга, ўзликни англаш, ориятни сақлаш, мустақил фикрлаш, маънавиятни бойитиш орқали бошқа халқларнинг эътиборига, эътирофига сазовор бўлишга қаратилиши лозим. Нажот фақат ўзимизда, ҳар биримизда!

**Собир ЎНАР, «Ёшлик» журнали бош муҳаррири, ёзувчи:**

— Президентимиз даставвал мустақиллик мафкураси ҳақида 1993 йилда бир гуруҳ ёзувчилар билан бўлган учрашувда аниқ йўналиш ва ғояни ўртага ташлаган эдилар. Қаранг, бугунги кунга келиб бу ғоя улкан мазмун касб этмоқда. Бугун ҳаётнинг ўзи уни қанчалик зарур эканлигини ҳар лаҳзада тасдиқлаб турибди.

«Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига берган жавобларида Президентимиз дунёвий сиёсат, фикрлар қарама-қаршилиги ва кураши моҳиятини теран изоҳлайди: **«Очиқ айтиш керакки, бу мафкуравий тортишувлардан кўзланган асосий мақсад — инсон, авваламбор ёшлар қалбини эгаллаш, муайян мамлакат ёки минтақадаги бирор миллат ёки халқнинг онгига, унинг сезги-туйғуларига таъсир ўтказиш, уни дунёқарашига бўйсундириш, маънавий жиҳатдан заиф ва тобе қилиш. Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги эса ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан даҳшатлироқдир».**

Бу эртаси буюк бўлишини қўмсаётганимиз — шу азиз Ватан қисмати учун қайғураётган, айни дамда миллат тақдирига масъул шахснинг ҳар биримизни огоҳлик ва сергакликка ундовчи сўзлари, тушунтириб айтган фикрлари. Бу огоҳлик, бу масъуллик ҳар бир элдошимизда бўлсагина, биз яхлит халққа айланамиз, маънавий жиҳатдан енгилмас бўламиз.

Албатта, келажак — фарзандларимиз қўлида. Аммо келажакнинг пойдевори ҳозирдан, яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда, кечадан қўйилган бўлишини бугунги ҳаёт талаб қилади.

Бугун мактаб партасида таҳсил олаётган келажагимизнинг қарийб ўттиз фоизи дунё тилида сўзлай олади, олис ва яқин тарих қаърига эркин бўйлайди, Ленин бобо ҳақида зўр бериб ашула айтмайди, мустақилликнинг маъносини биздан ҳам яхши билади. Биринчи навбатда биз ўсиб келаётган мана шу ёш авлодни ёмон кўзлардан асрашимиз, уларнинг ҳаёти, дунёқарашида бўшлиқ пайдо бўлишига асло йўл қўймаслигимиз керак, деб ўйлайман.

* * *

***Иқтидорли олимлардан бирининг ёзишича, мафкура сўзининг асли луғавий маъноси фикрлаш дегани экан. Фикрлаётган, тафаккур қилаётган киши эса, ўзлигини, қадр-қимматини, шаън-шавкатини, яшашдан мақсади нима эканлигини, яшаётганини шубҳасиз, англаб етади. Шу маънода, мафкура киши ҳаётида, кишилик жамиятида томирдаги қон янглиғ аҳамиятли.***

***Агар, олис тарихга назар ташласак, буюк давлатларнинг юзага келишида ҳам собит ва мукаммал мафкуранинг алоҳида ўрни борлигига гувоҳ бўламиз. Улуғ бобомиз Амир Темур «Бизким миллатларнинг энг улуғи ва энг қадими...» дер экан, бундан мақсад фақат қадим тарихга ишорат, юрагидаги ифтихорни изҳор этиш эмас, балки ўзгалар юрагида ҳам шундай ғурурни уйғотишдир.***

***Бугун ҳаётнинг ўзи ўзликни танишни, тарихни билишни, демак, Ватанни шунчаки эмас, балки ўтмиши, бугуни ва келажагини билган ҳолда юракдан севишни талаб этаётган экан, бунинг асослари — Миллий мафкурадир. Президентимиз «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига берган жавобларида миллий мафкура моҳият эътибори билан қандай бўлиши ва у қандай эзгу мақсадларга хизмат қилиши кераклигини батафсил тушунтириб берган. Буни ўзига хос, мукаммал дастур дейиш мумкин. Аммо миллий мафкурани шакллантириш ва унга ҳаётий куч бағишлаш шу қадим юртни ўзига Ватан деб билган ҳар бир фуқаронинг масъулиятли бурчидир. Зеро, ўзликни англаш, фикрлаш яхлит ҳодисага айланса, халқнинг шуури, демак, юрар йўли, келажаги ёруғ ва буюк бўлади.***

**Шодиқул ҲАМРОЕВ.**

## ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТИ – ЯНГИ БОСҚИЧДА

# БИТИРУВЧИЛАР ЭМАС, МУТАХАССИСЛАР КЕРАК

**Мамлакатимизнинг ўз тараққиёт йўли борлиги барчамизга аён. Бу аввало, иқтисодий ва маънавий-сиёсий йўналишимиз асосида амалга ошадиган жараён. Модомики шундай экан, биз ўз тараққиётимиздан келиб чиққан ҳолда, барча имкониятларимизни сафарбар этиш ҳисобига бунга эришмоғимиз даркор.**

Иқтидорли болалар тўғрисида фикр юритсак, иқтидор ўзи нима? – деган савол туғилиши мумкин. Даставвал, бу сўз барчамизга танишдек туюлади, лекин чуқуррроқ ўйласак, бу сўзнинг тагида чуқур маъно ётишини кўрамиз. Маълумки, инсон у ёки бу соҳада ишлаши учун маълум ички шахсий сифатларга эга бўлиши зарур. Масалан, ҳар бир шахс ҳам ўқитувчи, муҳандис ёки раҳбар бўла олмайди. Бу соҳада ижодий фаолият учун маълум хусусиятлар мажмуи талаб этилади. Бундай хусусиятларга янгиликка интилиш, уни сеза олиш, мустақил фикрни билдириш, ўз фаолиятига танқидий қарай олиш ва шу кабилар киради. Шундай хусусиятларни ўзида мужассамлантирган болаларни «иқтидорли» дея олишимиз мумкин.

Истаган соҳада яхши мутахассис тайёрлаш учун маълум муддат талаб этилади. Мактаб партасидан бошлаб болалар ижодий ва мустақил фикрлашга, ишлашга ўргатилса, унинг натижалари ҳам самарали бўлади. Шу сабабли, иқтидорни ривожлантириш давлат-жамият томонидан илгари сурилган ижтимоий буюртмага айланаяпти. Чунки, иқтидорга бўлган эҳтиёжни биринчи навбатда жамият сезади.

Бугунги кун талаби касб-ҳунарга жиддий эътибор қаратишни талаб этмоқда. Мавжуд ҳунар-техника билим юртлари ва ўрта махсус ўқув юртларининг фаолияти замон талабларига жавоб бермаётганлиги аниқ ва равшан бўлиб қолди. Улардаги моддий-техник базанинг ночорлиги, берилаётган билим ва тарбиянинг сифати, ўқувчилар олаётган жуда тор мутахассислик, шу билан бирга, тарбиячи-ўқитувчилар малакасининг пастлиги, мазкур билим юртларининг ишини ва уларнинг самарасини бозор иқтисодиёти ва замон талаби нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқишни ҳамда янги типдаги ўқув муассасаларини ташкил этишни тақозо этди. Ташкил этилаётган касб-ҳунар коллежлари жиҳозланганлик даражаси, педагогик таркибнинг танланганлиги, ўқув жараёнининг ташкил этилиши жиҳатидан янги типдаги таълим муассасаси ҳисобланади ва унда бир ёки бир неча замонавий касб-ҳунар бўйича назарий ва амалий билимларни эгаллаган касб-ҳунар мутахассиси тайёрланади. Битирувчининг билими касб малакасининг савиясига қарамай кўр-кўрона диплом берадиган эски билим-ҳунар юртларидан фарқ қилиб, касб-ҳунар коллежлари малакали, замонавий кичик мутахассислар тайёрлаш учун шароитларга эга бўлади.

Тарихдан маълумки, Туркистонда касб-ҳунар қадим замонлардан буён шогирдлик йўли билан ўргатилган. Бугунги касб-ҳунар коллежларимиз бизга ўтмишдаги уста-шогирдлик анъаналарини тиклашга, маънавий қадриятларимизни ривожлантиришга ва уларни тараққий эттириб, ютуқ ва муваффақиятларимизни жаҳонга кўз-кўз қилишга, ғурурланишимизга йўл очади ҳамда халқ хўжалигининг барча соҳаларида кенг татбиқ этилаётган янги технологияларни бошқариш учун малакали мутахассисларни тайёрлашга имкон беради.

Янги типдаги таълим муассаси ҳисобланган касб-ҳунар коллежларида ўқув-тарбия жараёни босқичма-босқич олиб борилиши, маълум вақт назарияга ва кўпроқ амалиётга вақт ажратилиши назарда тутилган. Ўқув жараёнининг назария ва амалиёт қисмида ҳам ўқувчиларнинг мустақил ишлашига алоҳида аҳамият берилади ва шу тариқа ўқувчиларнинг ўзида мустақил ўқишга, ишлашга интилиш кучайтирилади. Ишлаб чиқариш амалиёти ўтиладиган ўқув цехлари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, унда ўқувчига мустақил ишлаши учун барча шароитлар яратилади.

Янги таълим стандартлари яратилишининг аҳамиятини алоҳида таъкидлашимиз керак. Бу стандартлар жаҳондаги демократик мамлакатлар тажрибасини ҳамда халқимизнинг бой миллий анъаналарини инобатга олган ҳолда яратилиши ва улар бозор иқтисодиёти талабларига мос бўлиши лозим. Айнан мазкур стандартларнинг юксак таълимий даражаси, охир-оқибатда юқори малакали мутахассислар тайёрлашнинг сифатига таъсир кўрсатади.

Қайд этилган фикрлардан келиб чиқиб, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида таълимни тубдан ислоҳ қилишга шижоат билан ишга киришиш нафақат таълим тизими ходимлари, балки бутун Ўзбекистон фуқароларининг муқаддас бурчи эканлигини унутмаслигимиз керак. Бу ишни амалга оширишга ота-оналар, маҳалла қўмиталари, мутасадди ташкилотлар ва барча табақадаги раҳбарлар ўз ҳиссаларини қўшишлари ҳам фарз, ҳам қарздир. Энг муҳими, ғайрат ва шижоатни, истеъдод ва маҳоратни ишга солмоқ жуда зарур.

**Аббос ХЎЖАЕВ,**
**Тошкент архитектура қурилиш институти декани.**

## ИСТИҚЛОЛ ВА АЁЛ



# ТОНГЛАРДАН БАХТ ОВОЗИ КЕЛАР

**(Бадиҳа)**

...Баъзан мен бугунги Аёл ҳақида ўйлаб қоламан. У кечаги кун аёлидан нимаси билан фарқ қилади? Аёл қай тарзда яшаяпти? Кўнглида не орзу-ўйлар бор? Давраларда бўлган чоғларимда уларга зимдан разм соламан, юракларига қулоқ тутаман. Ёнгинамда ўтирган аёлнинг кўзлари чақнаб турган бўлади. У мен билан Вақт ҳақида баҳслаша бошлайди. «Эрта тонгдаёқ ҳар кунимни лаҳзама-лаҳза тақсимлаб чиқаман» дейди у. Мен унинг бир кунда қилажак юмушлари билан қизиқаман. У бирма-бир санаб кетади: умр йўлдошини ширин сўз билан идора хизматига, катта ўғлини лицейга, қизалоғини эса боғча-гимназияга кузатиши, улар қайтгач, навбатдаги сабоқ учун инглиз тили муаллимасини уйга чорлаши, сўнг ўзи компьютер машғулотига киришиши, китоб мутолаа қилиши, пардозхонаю-сартарошхонага бориши...

Бошқа бир суҳбатдошимнинг сўзлари анча кескир. У менга кичик корхонасининг юмушлари билан кечагина Туркияга бориб қайтгани ҳақида гапиради. «Турк аёлларининг урф-одатлари бизникига ўхшаш экан. Аммо, уларда савдо-сотиқ билан фақат эркаклар шуғулланаркан» дейди. Сўнг мендан сўрайди: «Бизларнинг тижорат қилишимиз ўринлимикин?» Шунда дейман: «Аёллари тадбиркор юрт бадавлат бўла боради. Ҳатто Ҳадисларда ҳам «Турмуш дунёсида уқувли аёллар рўзғорга кут-барака киритишда эрларига ёрдам бермоқлари даркор» деб айтиб ўтилган.

Тадбиркорлик ҳақидаги суҳбатимиз ўз-ўзидан қизиб кетади. Ахир бугунги кунда тадбиркор аёл атамаси ҳеч кимни ажаблантирмайди. Турли соҳаларда бизнес қилаётган, катта жамоаларга бош бўлиб савдо ишини юритаётган аёллар орамизда кўп, фактларга кўра, Ўзбекистонда 65 минг тадбиркорнинг 20 минг нафари аёллардир. Улар бу соҳадаги фаолияти билан жамият тараққиётига катта улуш қўшишяпти. Ҳозирги аёлларимизнинг фикрлари теран, мушоҳадалари бой. Ҳар ишда етакчиликни билишади. Улар ички имкониятини, куч-иқтидорини намоён этишиб, чин маънода ўзларини кашф қилиб яшаяптилар. Шу жиҳатдан улар кечаги кун аёлларидан фарқ қилади.

x x x

Самарқанддан қайтаётганимда йўл-йўлакай қатор қилиб қурилган жажжи, безакдор дўкончаларга кўзим тушди. Номлари ҳам чиройли. «Сайёра», «Наргиз», «Дилором», « Озода», «Офтобхон»... Эҳҳе, улар шунчалик кўпки! Бу дўконларда савдо-сотиқ ишларини бошқараётган ҳар бир аёл аслида хонадонида жонкуяр бека, суюмли рафиқа, меҳрибон она. У тунлари бешик тебратиб, гўдагига алла айтади. Тўнғич ўғлига «Сен илм эгалла, дунёни тани, ўз юртингни яшнат» деб ўгит беради. Қизига эса «Сен ҳадемай ўзга бир боққа қуш каби учиб кетасан. Ҳозирдан ҳунар ўрган. Хушодобликни машқ қил» деб қайта-қайта уқтиради. Бу аёлларнинг юрагида чинакам шарқона оилани шакллантириш, шу хонадонда маъсума гулларни – ширин каломли, хушчеҳра қизларни вояга етказиш, мард ва жасур, ҳақиқий ўғлонларни тарбиялашу уларни элга қўшишдек тоза ниятлар бор.

... Далилларда келтирилишича, асримиз бошида машҳур шарқшунос В. Москалев ўзбек аёллари ҳақида тарихий этнографик очерк ёзишни мўлжаллаб, турли тадқиқотлар ўтказган ва ушбу иқтибослари натижасида шундай хулосага келган экан: «ўзбек аёлининг табиатида туғма фаоллик, туғма қизиқувчанлик ва туғма ақл мавжуддир». Агар биз тарихни варақласак, аждодларимиз орасида не-не донишманд ва зукко, тийрак ва жасур туркигўй аёллар ўтганини кўрамиз ва шунда шарқшунос олимнинг эътирофида заррача муболаға йўқлигини фаҳмлаймиз.

Бизда давлат тизимининг асосий бўғини мамлакатда аёллар аҳволини яхшилашга йўналтирилган. Негаки, аёл – она, у бир халқни дунёга келтиради, тарбиялайди. Халқнинг улуғ миллат бўлиб оёққа туриши биринчи галда оналарнинг маънавияти, маданияти ва саломатлиги билан боғлиқ. Юртимизда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишда хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармонида ҳам оналикнинг мартабасини улуғлаш, она ва бола муҳофазасини давлат сиёсати даражасига кўтаришдек ҳикматли мазмун мужассамдир. Шу ўринда республика хотин-қизлар қўмитаси қошида тузилган «Олима аёллар», «Ҳуқуқшунос аёл», «Иқтисодчи ва тадбиркор аёл», «Аёл ва экология» уюшмалари иши ва «Оила» илмий-амалий маркази фаолияти ҳам муҳим аҳамият касб этади.

x x x

Арнасой туманининг «Фарғона» жамоа хўжалигида тўққиз ўғилнинг онаси Қирмизой ая Тўрабекова билан учрашдим. Хонадондаги тўққиз ўғлоннинг бариси турли соҳаларда бизнес юмушлари билан банд эканлар. Улар эрталаб кекса оналари ҳузурига тўпланишиб, унинг дуосини сўрашади. «Ҳалол ишланглар. Тўғри қадам босинглар. Бировнинг дилини беҳуда оғритманглар. Ана шунда Оллоҳ мартабангизни баланд, ризқингизни улуғ қилгай» дея уларни дуо қилади Қирмизой ая.

Эл- юртдаги хотиржамлик, меҳрпарварлигу диёнатлилик, яхшиликлар ва эзгуликларнинг ҳаммаси Оналарнинг қутлуғ дуоларидан бўлса, ажаб эмас.

...Ўзбекистонда йирик енгил саноат корхонаси ҳисобланган Андижон ип-газлама ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятида меҳнат қилаётган 12 минг ишчи-хизматчиларнинг асосий қисми аёллардир. Бу ерда фаолият кўрсатаётган «Анконтекст» қўшма корхонасида замонавий дастгоҳларни бошқараётган малакали чеварлар йилига бир миллиондан ошиқ 10 хил турдаги эркаклар кўйлаги, ярим миллиондан кўпроқ харидорбоп чойшаблар ишлаб чиқарадилар. Маҳсулотнинг 50 фоизи чет мамлакатларга экспорт қилинади. Жаҳон иқтисодиёти интеграциясига қўшган ҳиссаси учун бу жамоа «Олтин глобус» соврини ва республикада илк бор ташкил этилган Гран при мукофоти билан тақдирланган. Буларнинг бариси корхонада Аёл меҳнатига берилган муносиб баҳодир.

x x x

Нарпайлик раиса Ойдиннисо Шерназарова билан суҳбатлашаётиб, ундан «Бутун бошли бир хўжаликка раҳбарлик қилиш аёл киши учун оғир эмасми?» деб сўрагандим. Шунга опа менга ғалати бир воқеани ҳикоя қилиб берди:

**– Бир вақтлар биз томонларда бир колхоз раиси бўлиб ўтган. У пахтадан бўлак ҳеч нарсага қизиқмас, тўй-маъракаларгаям даладан келиб, яна ўшанақаси далага кетавераркан. Уйига ярим тунда келиб, эрта саҳарда жўнаб қоларкан. Шу алпозда ўн йилларча вақт ўтибди. Нимадир бўлиб раис бир кун уйига кун ботарда келибди. Қараса, дарвозаси олдида келишимлигина бола кўча чанги босилсин деб ариқдан сув ташиб сепаётганмиш. У раисни кўриб югуриб келиб салом берибди, «Булар сен меҳмон боланиям ишлатишаяптими? Кимнинг ўғлисан, болам?» деб сўрабди раис. Йигитча ўнғайсизланиб, ерга қарабди. «Мени танимадингизми, ота?» депти. Раис ўз ўғлини танимай бировга ўхшатганини фаҳмлабди, сўнг сир бой бермай, «Ҳазил қилдим-да, ота ўғил. Ҳазил қилдим» дермиш. Шу воқеа бот-бот ёдимга тушаверади денг. Лекин, бугунги кунда раҳбар одам уйини, қўни-қўшниси, маҳалла-куйини «таниб» яшаяпти. Мен дала иши қанчалик қийин бўлмасин, аёл киши эканимни бирор лаҳза ёддан чиқармайман. Болаларимга, умр йўлдошимга ўз қўлларим билан тансиқ таомлар пишириб беришдан лаззат оламан...**

... Мен аёлнинг юрагида бемисл товлангувчи минг бир рангларни кўраман. Жумлаи олам ана шу ранглардан қувват олиб яшнайди, яшилланади. Юрагидаги ранглар аёл чеҳрасига кўрк, улуғлик бахш этади. Шунинг учун ҳам аёл қай ёшда бўлмасин, қалбан гўзаллигича қолаверади. Зеро, Чўлпон сатрларида Аёл тасвири янада мукаммалроқ ифодаланади:

***Бир кўрдим мен уни, шунчалар гўзал,***
***Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!***

Ҳар бир тонгдан бахтнинг овозлари келади. Бу овозни эшитсам, юрагимдаги ранглар янада қуюқлашади. Тошқин ранглардан чарақлаган кўзларимда Истиқлолнинг бўйлари янада узаётганини ҳис этаман. Сўнгра ич-ичимдан ҳаяжонга тўлиб дейман: «Мен бу рангларни асрамоғим керак!»

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.**

## ХАЗИНА ТОПГАН БОБО

Қадимдан ота-боболаримиз ерни – хазина, меҳнатни эса унинг калити, деб бежиз айтишмаган. Бу гапни Боёвут туманидаги Усмон Юсупов номли ширкат уюшмаси ҳудудида яшовчи Мирзажон ота Матисаев набираларига бот-бот такрорлаб туради.

Ҳозир бу пиру бадавлат хонадон соҳибининг 35 нафар невара-чеваралари бор. Отахон ўз тасарруфидаги 0,5 гектар майдонда фарзандлари билан деҳқончилик қилади. Ундан олаётган даромад бу катта оилани тебратишга бемалол етиб-ортади. Хазина шу-да...

**СУРАТДА:** ***Мирзажон ота набиралари даврасида.***

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**



**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА 1998 ЙИЛ УЧУН АСПИРАНТУРАГА ВА ДОКТОРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

**АСПИРАНТУРА**

***Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун:*** *математик анализ; дифференциал тенгламалар; геометрия ва топология; эҳтимоллар назарияси ва математик статистика; математик мантиқ, алгебра ва сонлар назарияси; назарий механика; суюқлик, газ ва плазма механикаси; астрофизика, радиоастрономия; радиофизика; ярим ўтказгичлар ва диэлектрикал физикаси; ядро ва элементар заррачалар физикаси; аналитик кимё; органик кимё; юқори молекуляр бирикмалар кимёси; биоорганик кимё; табиий ва физиологик фаол моддалар кимёси; биофизика; биокимё; ботаника; одам ва ҳайвонлар физиологияси; тупроқшунослик; гидрогеология; илмий тадқиқотларда ҳисоблаш техникасини математик моделлаштириш ва математик усулларни қўллаш; ватан тарихи; умумий тарих; археология; иқтисодий назария; диалектика ва билиш назарияси; эстетика; дин ва ҳурфикрлилик фалсафаси; ижтимоий фалсафа; ҳозирги миллий адабиёт; журналистика; ўзбек тили; қиёсий-тарихий, типологик ва чоғиштирма тилшунослик, таржима назарияси; иқтисодий ва ижтимоий география; ўқитиш назарияси ва услубияти; педагогик ва ёш психологияси; социология назарияси, методологияси ва тарихи.*

***Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун:*** *одам ва ҳайвонлар физиологияси; ватан тарихи; умумий тарих; иқтисодий назария; диалектика ва билиш назарияси; дин ва ҳурфикрлилик фалсафаси; ҳозирги миллий адабиёт, журналистика; ўзбек тили; қиёсий-тарихий, типологик ва чоғиштирма тилшунослик, таржима назарияси.*

**ДОКТОРАНТУРА**

*Математик анализ; дифференциал тенгламалар; эҳтимоллар назарияси ва математик статистика; математик мантиқ, алгебра ва сонлар назарияси; назарий механика; суюқлик, газ ва плазма механикаси; аналитик кимё; юқори бирикмалар кимёси; биоорганик кимё, табиий ва физиологик фаол моддалар кимёси; биофизика; зоология; ватан тарихи; ижтимоий фалсафа; ҳозирги миллий адабиёт; журналистика; қиёсий-тарихий, типологик ва чоғиштирма тилшунослик, таржима назарияси; педагогик ва ёш психологияси.*

**ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ШУ ЙИЛ 25 АВГУСТГАЧА**

Маълумотларни олиш учун университетнинг аспирантура бўлимига: Тошкент шаҳри, Олий ўқув юртлари шаҳарчаси, "Д" корпуси, 11- қават, 113- хонага мурожаат қилинг.
Телефонлар: 46-74-35; 46-54-07.

Т. Д. У.

817

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

### БОЛАЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ

***Сурхондарё вилоятидаги туман халқ таълими бўлимлари қошида педагогик-психологик ташхис марказлари ташкил этилаяпти. Айни пайтда саккизта олти ёшгача бўлган болаларни тиббий кўрикдан ўтказиб, уларни касбга йўналтирадиган марказлар фаолият кўрсатаяпти. Вилоят маорифчиларининг айтишига қараганда, тез кунларда қолган туманларда ҳам ана шундай масканлар иш бошлайди.***

**З. РИХСИЕВА.**

### НАВОИЙ ҲАЙКАЛИ ЎРНАТИЛМОҚДА

***Ниҳоят навоийликларнинг азалий орзуси ушаладиган бўлди. Вилоят марказида буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг ҳайкали ўрнатилмоқда. Вилоят бюджетидан шу мақсадда 5 миллион сўм маблағ ажратилди. Қатор корхона ва ташкилотлар эса ўз ихтиёрлари билан шу мақсадда ташкил қилинган ҳисоб рақамига пул ўтказишмоқда. Борис Свининнинг лойиҳаси асосида қурилаётган ёдгорлик мустақиллик байрамида эл учун улкан совға бўлади.***

**П. ЖУМАЕВ.**

Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси раҳбарияти ва жамоаси қўмитанинг бошқарма бошлиғи ўринбосари А. М. Муҳаммадиевга рафиқаси
**Зулайҳо СУЛАЙМОНОВАнинг**
вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Ўзбекбирлашув бошқаруви ва жамоаси «Матлуботчи» акциядорлик жамияти раиси Абдулла Жалоловга укаси
**Фарҳод ЖАЛОЛОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Мезон» масъулияти чекланган жамият, илмий технология фирмаси ва «Махсус қотишма» масъулияти чекланган жамияти жамоалари фирма директори Одилмат Ниёзматовга акаси
**Аҳмадбек НИЁЗМАТОВнинг**
бевақт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

«Нигора» фирмаси ва «Нигина» кичик корхонаси жамоаси фирма ва кичик корхона раиси
**Аҳмад НИЁЗМАТОВнинг**
бевақт вафоти муносабати билан унинг қариндош-уруғлари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этадилар.

